

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВ ШОҲРУХ НУЪМОНЖОН ЎҒЛИ**

**ТИНДИРГИЧЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ  
ТИЗИМИДА)**

05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

диссертация автореферати

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Азизов Шохрух Нуъмонжон ўғли**

Тиндиргичлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини  
такомиллаштириш (томчилатиб суғориш тизимида) . . . . . 3

**Азизов Шохрух Нуъмонжон ўғли**

Совершенствование конструкций и методов расчета отстойников (в  
системе капельного орошения) . . . . . 23

**Azizov Shokhrukh Nu'monjon o'g'li**

Improving designs and methods for calculating settling tanks (in a drip  
irrigation system) . . . . . 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 45

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВ ШОҲРУХ НУЪМОНЖОН ЎҒЛИ**

**ТИНДИРГИЧЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ  
ТИЗИМИДА)**

05.09.06 - Гидротехника ва мелиорация қурилиши

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

диссертация автореферати

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.1.PhD/Т3519 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Янгиев Асрор Абдихамидович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шакиров Бахтияр Махмудович техника фанлари доктори, профессор Жонқобилов Улугмурад Умбарович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент архитектура-қурилиш университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «13» 10 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, Факс: (+99871) 237-54-79, E-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).


Диссертация билан “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (288 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-19-45, E-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил « 4 » 10 куни таркатилади.  
(2023 йил « 4 » 10 даги № 288 рақамли реестр баённомаси)



  
Т.З.Султанов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

  
Ф.Гаппаров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби т.ф.д., профессор

  
М.Р.Бакиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фальсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши, саноат тармоқларининг ривожланиши сув ресурсларига бўлган талабнинг кескин ортиши натижасида қишлоқ хўжалигида сувдан тежамли фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Соҳа мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, “сайёрамизда кузатилаётган салбий ўзгаришлар таъсирида сув танқислигини 20 фоизга ошиши ва дунёнинг 45 дан ортиқ давлатида истиқомат қилаётган 2-5 миллиард аҳолининг ҳаётини ёмонлашишига олиб келиши”<sup>1</sup> мумкин. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежамкор технологияларни жорий қилиш, суғориш меъёри ва муддатларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, томчилатиб суғориш технологиясида лойқа чўкиндиларга қарши кураш, тизимнинг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, суғориш тармоқларида сув ресурсларини самарали бошқариш, тиндиргичлар конструкциялари ва гидравлик усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада сув ресурсларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу жумладан қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларни жорий этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “... сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш, республиканинг тупроқ-иқлим ва бошқа таъбiiй шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш”<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан суғориш тармоқларида сув ресурсларини самарали бошқариш, сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июльдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони, 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини

<sup>1</sup> <https://www.un.org/securitycouncil/ru/content/meetings-records>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “ИТД-3 Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сақлаш, суғориладиган ерларда тупроқ мелиоратив жараёнларини бошқаришининг экологик соф ва юқори самарадор технологияларини яратиш” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб суғориш самарадорлигини тадқиқ қилиш бўйича В.А.Духовний, М.Г.Хорст, Р.К.Икрамов, К.М.Мирзажанов, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, А.Т.Салоҳиддинов, М.Х.Ҳамидов, Г.А.Безбородов, Ю.Г.Безбородов, А.Г.Безбородов, Ш.Х.Раҳимов, И.Э.Маҳмудов, С.А.Нерозин, Б.Ф.Қамбаров, А.У.Усманов, Б.С.Комилов, Б.Г.Маллаев, Т.И.Палванов, Э.Д.Чолпанқулов, Р.Г.Любар, У.Норқулов, А.С.Шамсиев, А.Ф.Шеров, Ю.Эсанбеков, Г.В.Стулина, А.З.Артиқов, М.Саримсоқов ва бошқалар томонидан маълум илмий-амалий изланишлар олиб борилган ва маълум натижаларга эришилган.

Бугунги кунда Республикамизда деҳқончилик юритиш тизими ўзгарди ва интенсифлашиб, ер ва сув ресурсларидан йил давомида фойдаланилмоқда. Бугунги кунга келиб, сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалик экинларни суғоришда тежамкор усуллар ва технологияларни такомиллаштиришни тақозо этади. Суғориш тармоқларида сув ресурсларини самарали бошқариш, сув ресурсларини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бир қаторда, Амударё ва Зарафшон дарёларидан сув билан таъминланган фермер хўжаликларидан томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияси ва гидравлик ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №2 муаммоси “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва хавсизлигини таъминлаш асосларини ишлаб чиқиш”, 2.2 “Гидротехника иншоотлари конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш ҳамда ишончли ва хавфсиз фойдаланиш асосларини рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқиш” (2021-2023) мавзусидаги ҳамда №01/2021-сонли “Томчилатиб суғориш технологиясида сув тиндиргич иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (Амударё ҳавзаси мисолида)” (2021 йил), №14-06-сонли “Зарафшон дарёси

орқали сув билан таъминланган майдонда томчилатиб суғориш технологияси сув тиндиргич иншоотлари конструкциясини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий тежамкор техник параметрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” (2022 йил) мавзуларидаги хўжалик шартномалари бўйича бажарилган лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргичлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг оптимал параметрларини асослаш ҳамда самарали ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотни вазифалари:**

сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда қурилган мавжуд тиндиргичларни таҳлил қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншоотларининг лойқа чўкиши жараёнларини ўрганиш бўйича дала тадқиқотларини ўтказиш;

тиндиргичлардан олинган лойқа-чўкиндилар намуналарини лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва лойқа-чўкиндиларнинг тиниш даражасини аниқлаш бўйича гидравлик ҳисобларни бажариш;

томчилатиб суғориш тизимида тиндиргич иншоотлари конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

томчилатиб суғориш тизимида тиндиргич иншоотларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Амударё ва Зарафшон дарёси хавзаларидаги томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилган фермер хўжаликлари танланган (Бухоро ва Самарқанд вилоятлари).

**Тадқиқот предмети** сифатида томчилатиб суғориш технологиясидаги тиндиргичлар, улардаги лойқа-чўкиндиларнинг чўкиш жараёнлари, тиндиргичлар параметрлари (кўрсаткичлари) ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида дала шароитида гидрологик, гидравлик, геодезик тадқиқотлар олиб бориш усуллари, маълумотларни қайта ишлашда математик, статистик шунингдек эмпирик формулалардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотларида лойқа-чўкиндилар лойқалик даражаси дала кузатувлари асосида аниқланган;

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотларида лойқа-чўкиндиларнинг тиниш даражасини аниқлашдаги гидравлик ҳисоби сув сарфи ва лойқаларнинг фракцион таркибини инобатга олиб такомиллаштирилган;

томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргич иншооти конструкцияси ва ҳисоблаш усули ер ости сувлари сатхини инобатга олиб такомиллаштирилган;

томчилатиб суғориш тизимида тиндиргич иншоотларини қўллаш бўйича тавсиялар тиндиргичга келадиган сув таъминотини инобатга олиб ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотларида лойқа-чўкиндиларнинг тиниш даражасини аниқлаш имконияти яратилган;

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич конструкцияларида аниқланган лойқа-чўкиндиларнинг лойқаланиш даражаси уларнинг оптимал параметрларини аниқлаш имконини беради;

такомиллаштирилган тиндиргич конструкцияси 20 га ерни 2 тактда сувнинг тиндирилишини инобатга олиб 1-2 суткада суғориш имконини беради;

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотлари оптимал параметрларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар манбадан келадиган сув таъминоти бўйича тиндиргичлар оптимал параметрларини аниқлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотларни ва ҳисобларни адекватлиги, конкрет объектлар бўйича тиндиргичлар ўлчамларининг бажарилган ҳисоблар билан таққослаш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотларида лойқа-чўкиндиларнинг тиниш даражасини аниқлашнинг гидравлик ҳисоблари ва тиндиргичлар конструкциялари такомиллаштирилганлик билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиндиргич иншоотлари оптимал параметрларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар томчилатиб суғориш тизимининг ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиндиргичлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш (томчилатиб суғориш тизимида) бўйича олинган натижалар асосида:

томчилатиб суғориш тизими тиндиргич иншоотларида лойқа чўкиндиларнинг тиниш даражасини аниқлаш гидравлик ҳисоби Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Бухоро ирригация тизимлари хавза бошқармасига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 10 майдаги № 03/37-1393-сонли маълумотномаси). Натижада, Бухоро вилояти Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан туманлари фермер хўжаликларида жорий қилинган томчилатиб суғориш тизими тиндиргичларида лойқаларнинг тиниш даражасини аниқлаш имконияти яратилган;

томчилатиб суғориш технологиясида тиндиргич иншоотларини қўллаш бўйича тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “Сувлойиха” МЧЖга жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 10 майдаги № 03/37-1393-сонли маълумотномаси). Натижада, Бухоро вилояти Бухоро, Когон, Пешку, Ромитан туманлари фермер хўжаликларида жорий қилинган томчилатиб суғориш тизими тиндиргичлари оптимал параметрларини аниқлаш имконияти яратилган;

томчилатиб суғориш технологиясида ер ости сувлари сатхини инобатга олиб такомиллаштирилган тиндиргич иншоотлари конструкциялари ва ҳисоблаш усуллари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Зарафшон магистрал тизимлари бошқармасига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 10 майдаги № 03/37-1393-сонли маълумотномаси).

Натижада, Самарқанд вилояти Оқдарё ва Иштихон туманларидаги кластерлар ва фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш тизими тиндиргичлари оптимал параметрларини аниқлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та мақола Scopus базасидаги журнал ва конференция материалларида, 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистонда томчилатиб суғоришни жорий қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида томчилатиб суғориш тизими бўйича умумий маълумотлар, томчилатиб суғориш бўйича Республикада олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, томчилатиб суғориш тизими тиндиргичларидаги муаммолар ва тадқиқот қилинадиган масалалар келтирилган. Томчилатиб суғориш – махсус филтрлар ёрдамида тозаланган сув томчилатгичлар орқали томчи шаклида тупроққа берилиб, ўсимликнинг илдиз тизими жойлашган қатламини локал намиқтиришдир. Томчилатиб суғориш тараққий этган мамлакатлар туркумига Германия, Италия (600 минг га), Исроил (100 минг га), Австралия, Молдова (10 минг га), Украина (7 минг га) ва бошқа мамлакатлар киради.

Томчилатиб суғориш усулининг имкониятлари – ўсимлик илдиз қатламининг фаол ривожланиши ва тупроқда ҳавонинг яхши алмашинуви ҳисобига озука моддаларнинг ўсимлик томонидан тез ва жадал ўзлаштирилиши, қатор оралиги тупроғининг суғорилмай қолиши ҳисобига тупроқ дондорлигига путур етказмасдан, исталган вақтда тупроқда ва ўсимликка ишлов бериш ва ҳосил йиғиш имкониятининг мавжудлиги.

Республикада қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда томчилатиб суғориш ва сув тежовчи суғориш технологиялар бўйича В.А.Духовный,

Ш.Р.Хамраев, Г.А.Безбородов, А.Г.Безбородов, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, Б.Ф.Қамбаров, М.Г.Хорст, С.А.Нерозин, А.В.Новикова, З.И.Цой, Ф.А.Бараев, Б.С.Серикбаев, Қ.М.Мирзажанов, Ф.М.Раҳимбоев, А.Т.Салоҳиддинов, Б.Г.Малаев, Т.И.Палванов, Э.Д.Чолпанқулов, А.Х.Каримов, Р.Қаршиев, Р.Тошев, Л.Х.Шездюкова, А.Ғ.Шеров, Б.С.Камилов, Ю.Эсанбеков, С.А.Маматов, Ш.Мирзаев, М.Саримсоқовларнинг илмий ишларида чуқур ўрганилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган. И.А.Закс, А.Г.Савицкий, Г.В.Стулиналар томонидан томчилатиб суғоришда тупроқнинг сув-туз тартибини моделлаштириш бўйича, томчилатиб суғориш тизимини лойihalаш бўйича эса Р.Г.Любар, Э.Е.Малаев ва С.А.Маматовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Томчилатиб суғориш тизимларини қўллаш натижасида одатдаги, эгатлаб суғоришга нисбатан суғоришда сувни боғ ва узумзорларда 40-60% гача, пахта етиштиришда эса 15-40% гача тежалиши мумкинлиги тадқиқотларда тасдиқланган. Ш.Ибрагимов, Г.А.Безбородов ва Б.С.Камиловларнинг олиб борилган тадқиқотлари натижасида томчилатиб суғориш усули экологик жиҳатдан хавфсиз усул эканлиги ва эгатлаб суғоришга нисбатан минерал ўғитларнинг аксарият қисми даладан ташламага чиқмаслиги ҳамда ер ости сувларига қўшилиб уларнинг кимёвий таркибига салбий таъсири бўлмаслигини таъкидлашган. М.Х.Хамидов., Б.У.Сувановлар томонидан Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари, сизот сувларининг сатҳи 1,5-2,0 м бўлган шароитда ғўзани эгатлаб ва томчилатиб суғоришда тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60, 80-80-60% да ва ҳисобий илдиз қатлами 0-100 см тупроқ қатламидаги намлик танқислиги бўйича дала тадқиқотлари олиб борилди. Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI) томонидан 2013-2015 йилларда Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Кўхнасой Гулнора” фермер хўжалигида ғўзани 60x30 схемада экилган “Бухоро-102” ғўза нави эгатлаб, плёнка остидан томчилатиб суғориш ва плёнкасиз томчилатиб суғориш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Амударё ва Зарафшон дарёлари сув оқимининг лойқалиги сабабли, томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргичларнинг ўлчамлари такомиллашмаганлиги туфайли, уларнинг узунлиги бўйича лойқаларнинг чўкиши тўлиқ таъминланмаган. Участка каналларидан сувнинг тиндиргичларга доимий келиб туришини кўзда тутилса, у ҳолда қурилган тиндиргичлар узунлиги бўйича лойқалар тўлиқ чўкишга улгурмайди, натижада далаларни суғориш жараёнида тизим филтёрлари ва қувурлар томизгичларидан ҳам лойқа сувларнинг чиқиши кузатилади. Шу сабабли, Амударё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларидан сув олувчи фермер хўжаликларидаги томчилатиб суғориш тизимларида тиндиргичлар ўлчамларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Бундан ташқари, ушбу бўлимда ирригация суғориш тизимларида қўлланиладиган тиндиргичлар бўйича маълумотлар ҳам келтирилган. Суғориш каналларида тиндиргичлар асосан икки хил турда қурилади: даврий ва узлуксиз ювиладиган тиндиргичлар. Даврий ювиладиган тиндиргичлар конструкцияси ва ўлчамлари шундай танланиши керакки, вегетация даврида оқимдаги лойқа

чўкиндилар тиндиргичда чўктирилади ҳамда вегетациядан кегинги даврларда улар гидравлик ва механик усулларда тозаланиди. Ирригацион тиндиргичларнинг конструктив параметрларини аниқлашда унинг узунлиги алоҳида ўрин тутди. Тиндиргич узунлиги оқимда қаралаётган йирикликдаги лойқа зарчасининг чўкиш йўли узунлигига асосан ҳисобланади.

Лойиҳалаш ишларида сув тезлиги жуда кичик яъни оқим ҳаракат режими ламинар ҳаракатга яқин бўлганда тиндиргич узунлигини аниқлаш учун қуйидаги формула таклиф этилган:

$$L_1 = \alpha \cdot H \cdot \frac{\vartheta}{W} \quad (1)$$


бу ерда:  $H$  - тиндиргичдаги сувнинг чуқурлиги (м);

$W$  - гидравлик йириклик, (мм/с);

$\vartheta$  - тиндиргичдаги оқим тезлиги (м/с);

$\alpha$  - коэффициент, тажриба асосида аниқланади,  $\alpha = 1,2 \div 1,5$ .

Томчилатиб тизимида ҳам ирригацион тиндиргичларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, томчилатиб суғориш тизимида тиндиргичлар ўлчамларини аниқлаш ва қуриш бўйича (Аму-Бухоро машина каналидан сув олувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари пахта майдонларида) Сув хўжалик вазири Ш.Р.Хамроев ва бошқалар томонидан тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиялар бўйича томчилатиб суғориш технологияси жорий этиладиган умумий майдон 20 гектар бўлса, 1 гектар ўзани 1 марта суғориш учун талаб этиладиган сув меъёри ўртача 250-350 м<sup>3</sup>/га бўлади. 3-5 га майдон учун 1 марта талаб этиладиган сув ҳажми 900-950 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этади. Унга кўра биринчи сув тиндиргичнинг узунлиги 25 м, чуқурлиги 2,0 м, тубининг эни 13 м бўлиши тавсия этилади. Ушбу тиндиргич резервуар вазифасини ҳам бажаради. Қуйида тавсия қилинган тиндиргич ўлчамлари келтирилган (1-расм).



Изоҳ: 1 - биринчи камера; 2 - иккинчи камера.


**1-расм. Тавсия этилаётган тиндиргичнинг бўйлама кесими ва режадаги кўриниши**

Тиндиргич ҳовузи камида икки камерадан иборат бўлиши керак. Ҳисоб-китобларга кўра тиндиргич ҳовузининг умумий узунлиги 41 м, кенглиги 13 м,

шундан 1-камеранинг узунлиги 25 м, 2-камеранинг узунлиги 16 м, чуқурлиги 1,7 м бўлади. Камералар ўртасидаги остонанинг ўртача кенглиги 30-40 см ни ташкил этади.

Диссертация ишининг “Амударё дарёсидан сув билан таъминланадиган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизими тиндиргичларида олиб борилган дала тадқиқотлари” деб номланган иккинчи бобида, Бухоро вилоятининг географик ва сув таъминоти шароитлари, вилоятда сувдан фойдаланиш манбалари ҳамда тадқиқот объектларидаги дала тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Дала тадқиқотлари Амударё дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликларида: Когон тумани “Ислон” фермер хўжалиги, Бухоро тумани “Адизобод Эркин Махмуд” фермер хўжалиги, Ромитан тумани “Шарифбобо” фермер хўжалиги, Пешку тумани “Фаттоев” фермер хўжаликларида олиб борилди. Бунда дала тажрибасини ўтказиш усулларидадан фойдаланган ҳолда, қуйида келтирилган схема бўйича оқимнинг лойқалик даражасини аниқлаш учун лойқалик намуналари олинди (2-расм).



**2-расм. Тиндиргичда лойқа намуналарини олиш схемаси**

Лойқалик намуналари тиндиргич узунлиги бўйича 3 та створдан, яъни тиндиргич боши, ўртаси ва охири створларидан батометр асбоби ёрдамида олинди. Бунда ҳар бир створ узунлиги бўйича 2 та вертикал створдан 0,2h; 0,8h чуқурликларда намуналар олинди. Олинган намуналар, яъни сувнинг лойқаликлари “ТИҚХММИ” МТУ “Гидротехника иншоотлари” ва “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти “Гидротехника иншоотлари” лабораторияларида таҳлил қилинди.

Қуйидаги 1-жадвалда Когон тумани “Ислон” фермер хўжалигида 20 гектар ғўза даласини суғориш учун томчилатиб суғориш тизимида ўрнатилган тиндиргичларда олинган натижалар келтирилган. Тизимда

тиндиргич мембрана қопланган бир камерали қурилган бўлиб, унинг ўлчамлари қуйидагини ташкил қилади:

$$b = 11 \text{ м}; \quad L = 18 \text{ м}; \quad h = 2,5 \text{ м}.$$

Ушбу фермер хўжалиги участка каналига сув Амударё хавзаси тизимидан келиб, лойқалик даражаси юқори ҳисобланади. Шу сабабли, оқим лойқалиги лойиҳалаштирилган тиндиргичда чўктирилиб, тиндирилган сув насослар орқали томчилатиб суғориш тизимига узатиш кўзда тутилган. Қуйидаги жадвалда тиндиргич створларидаги лойқалик даражалари келтирилган.


### 1-жадвал.

#### “Ислом” фермер хўжалигидаги сув тиндиргичнинг таҳлили (тиндиргич ўлчами 18x11 метр)

№	Номи	Сув лойқалик даражаси (г/л)		Сув лойқалик даражаси (г/л)		Сув лойқалик даражаси (г/л)	
		0,2h	0,626	0,2h	0,661	0,2h	0,584
1.	I створ	0,8h	0,647	0,8h	0,678	0,8h	0,623
		0,2h	0,382	0,2h	0,396	0,2h	0,361
2.	II створ	0,8h	0,421	0,8h	0,453	0,8h	0,417
		0,2h	0,249	0,2h	0,251	0,2h	0,228
3.	III створ	0,8h	0,264	0,8h	0,282	0,8h	0,234


Лабораториядаги намуналар таҳлили шуни кўрсатадики тиндиргич бошидан (1-створ – 0,626 г/л) охиригача (3-створ – 0,264 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 39% га камайиб борган.

Бухоро тумани “Адизобод Эркин Махмуд” фермер хўжалигида томчилатиб суғориш тизимида тиндиргичлар кетма-кет жойлашган икки камерали қурилган (3-расм).



3-расм. “Адизобод Эркин Махмуд” фермер хўжалиги томчилатиб суғориш тизими тиндиргичида лойқа намуналарини олиш схемаси

Ушбу тизимда лойқалик намуналари участка каналининг тиндиргичга кирадиган қисми (А-1), тиндиргич 1-камераси (А-2), тиндиргич 2-камераси (А-3) ва 25 га майдоннинг бошига, ўртасига, охирига ўрнатилган қувурларнинг узунлиги бўйича 3 та створларидаги томизгичлардан олинган (3-расм). Натижалар қуйидаги диаграммада келтирилган (4-расм).



**4-расм. Тиндиргич ва томизгичлардаги лойқалик миқдорлари (г/л)**

Лабораториядаги намуналар таҳлили шуни кўрсатадики тиндиргич бошидан (А-2 – 0,775 г/л) охиригача (А-3 – 0,482 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 40% гача камайиб борган. Томизгичларда ҳам маълум даражада лойқа сувлар чиқиб тургани кузатилди. Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган фермер хўжаликларида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган ва таҳлил қилинган.

Тажрибалар таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтказилган тажриба майдонларидаги тиндиргичларда унинг бошидан охиригача лойқа чўкиндиларнинг чўкиш даражаси 20% дан 40% гача ташкил этмоқда. Агарда, участка каналларидан сувнинг тиндиргичларга доимий келиб туришини кўзда тутилса, у ҳолда қурилган тиндиргичлар узунлиги бўйича лойқалар тўлиқ чўкишга улгурмайди, натижада далаларни сўғориш жараёнида тизим филтрлари ва қувурлар томизгичларидан ҳам лойқа сувларнинг чиқиши кузатилди, яъни томизгичлардаги лойқалик 0,0041 г/л дан 0,0141 г/л ташкил қилади. Шу сабабли, Амударё дарёсидан сув билан таъминланадиган фермер хўжаликлари майдонларида лойқаларнинг томчилатиб суғориш тизими га хавфини камайтириш мақсадида тиндиргичларнинг оптимал параметрларини ҳар хил шароитлар учун янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертация ишининг **“Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланадиган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизими тиндиргичларида олиб борилган дала тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида, Самарқанд вилояти географик ва сув таъминоти шароитлари, вилоятда


суддан фойдаланиш манбалари ҳамда дала тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Дала тадқиқотлари Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликларида: Оқдарё тумани “Қоратери Ботир пахтаси” фермер хўжалиги, Оқдарё тумани “Маликов Ахмад” фермер хўжалиги, Иштихон тумани “Асалчи Элдор” фермер хўжалиги, Иштихон тумани “Қодир Эшқуватов” фермер хўжаликларида олиб борилди. Ушбу фермер хўжаликларида ҳам лойка чўкиндиларидан намуналар Амударё дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргичлар схемалари бўйича олинди. Олинган намуналар, яъни сувнинг лойқаликлари “ТИҚХММИ” МТУ “Гидротехника иншоотлари” лабораториясида таҳлил қилинди.

Қуйидаги 5-расмда Оқдарё тумани “Қоратери Ботир пахтаси” фермер хўжалигида 12 гектар ғўза даласини суғориш учун томчилатиб суғориш тизимида ўрнатилган тиндиргичларда лойка намуналарини олиш схемаси келтирилган. Тизимда тиндиргич мембрана қопланган бир камерали қурилган бўлиб, унинг ўлчамлари қуйидагини ташкил қилади:

1-камера:  $b = 11 \text{ м}; L = 17 \text{ м}; h = 2,5 \text{ м}.$


2-камера:  $b = 11 \text{ м}; L = 17 \text{ м}; h = 2,5 \text{ м}.$



**5-расм. “Қоратери Ботир пахтаси” фермер хўжалиги томчилатиб суғориш тизими тиндиргичида лойка намуналарини олиш схемаси**

Ушбу фермер хўжалиги участка каналига сув Зарафшон дарёси тизимидан келиб, лойқалик даражаси юқори ҳисобланади. Шу сабабли, оқим лойқалиги лойиҳалаштирилган тиндиргичда чўктирилиб, тиндирилган сув

насослар орқали томчилатиб суғориш тизимига узатиш кўзда тутилган. Қуйидаги диаграммада тиндиргич створларидаги лойқалик даражалари келтирилган (6-расм).



**6-расм. Тиндиргич створларидаги чуқурликлар бўйича лойқалик миқдори**

Лабораториядаги намуналар таҳлили шуни кўрсатадики тиндиргич бошидан (1-створ-2,25 г/л) охиригача (3-створ-1,125 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 50% гача камайиб борган. Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган фермер хўжаликларида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилган ва таҳлил қилинган.

Тажрибалар таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтказилган тажриба майдонларида тиндиргичларда унинг бошидан охиригача лойқа чўкиндиларининг чўкиш даражаси ўртача Амударё шароитидан фарқли 30% дан 50% гача ташкил этмоқда. Натижада, суғориш жараёнида тизим филтрлари ва қувурлар томизгичларида ҳам лойқа сувларнинг чиқиши кузатилди, яъни томизгичлардаги лойқалик 0,24 г/л дан 1,139 г/л гача ташкил қилди.


Тажриба участкаларидан олинган лойқалик намуналари лаборатория таҳлили шуни кўрсатадики, Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизими тиндиргичларига кирадиган оқим лойқалиги Амударё шароитига нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатди, яъни тажриба участкаларига мос равишда тиндиргич бошида 2,25 г/л, 7,115 г/л, 0,502 г/л ни ташкил қилди.

Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланадиган фермер хўжаликларида ер ости сувлари сатхининг анча пастлиги, 8-10 м чуқурликда жойлашганлиги кузатилди. Шу сабабли, ушбу худудларда тиндиргичлар чуқурлигини ва ўлчамларини сув хажмини ошириш мақсадида ошириш лозим.

Диссертация ишининг **“Томчилатиб суғориш тизимида тиндиргичлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида, такомиллаштирилган тиндиргич конструкцияси,


мавжуд тиндиргичлардаги лойқа чўкиш жараёни ва тиндиргич параметрларини аниқлаш ҳисоблари, Амударё ва Зарафшон дарёларидан сув билан таъминланган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизимида тиндиргичлар параметрларини асослаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Такомиллаштирилган тиндиргич 2 та камерадан иборат: 1-трапециадал кўндаланг кесимли биринчи камера, 2-трапециадал кўндаланг кесимли иккинчи камера, 3-грунтдан тикланган бўлгич девор, 4-юпқа деворли трапециядал кўндаланг кесимли Чиполетти водосливи, 5-  $d300$  мм диаметрли қувур. 1-камера трапециадал кўндаланг кесимга эга, узунлиги 25 м, эни 13 м, чуқурлиги 4 м; 2-камера трапециадал кўндаланг кесимга эга, узунлиги 16 м, эни 13 м, чуқурлиги 4 м, мембрана билан қопланган; 1 ва 2-камера ўртаси бўлгич девор билан бўлинган ва унинг остонасига трапеция шаклида сув ташлагич ўрнатилган. Сув ташлагич иншооти юпқа деворли трапециядал кўндаланг кесимли Чиполетти водосливи шаклида ўрнатилади. Сув ташлагич ҳам участка каналдан тиндиргичга келаётган сув сарфини ўлчашга, ҳам  $H=0,6$  м чуқурликдаги тиниқ сувни 1-камерадан 2-камерага узлуксиз ўтказиб туради ва 2-камерадаги насослар орқали тизимга сувнинг доимий етказилиб турилишини таъминлайди, қуйидаги 7-8-расмларда тиндиргич конструкцияси келтирилган.



7-расм. Такомиллаштирилган тиндиргич бўйлама қирқими, А-А қирқим

Б-Б



8-расм. Такомиллаштирилган тиндиргич кўндаланг қирқими, Б-Б қирқим

Ушбу тиндиргичда 1819,2 м<sup>3</sup> хажмда сувни йиғиш мумкин ва тиндирилган сув 6-7,3 га ерни суғоришга етади. Агарда 1 тактда суғоришга 8 соат кетадиган бўлса, 20 га ерни 3 тактда сувнинг тиндирилишини инобатга олиб 1-2 сутка давомида суғориш мумкин. Демак ушбу тиндиргичда сувнинг умумий узунлиги бўйича тиниш даражаси ҳам ошади, ҳам суғориш муддати камаяди.

Такомиллаштирилган тиндиргич қуйидаги тартибли ишлайди: участка каналдан ариқ ёки Ø300 мм қувур ёрдамида 1-камера  $V_1 = 1700 \text{ м}^3$  хажмгача сувдан тўлдирилади, 1-камера узунлиги бўйича сув лойқалардан тиндирилади, кегин эса ўртадаги қувур ва водослив орқали тиндирилган сув 2-камерага ўтказилади ва иккинчи камера  $V_2 = 1088 \text{ м}^3$  хажмда сув билан тўлдирилади, умумий 2 та камерада  $V = 2788 \text{ м}^3$  хажмда сув йиғилади. Кейин эса тиндиргичдан насослар орқали тиндирилган сув юқорида кўрсатилган суғориш тактлари бўйича тизимга юборилади.

Юқорида таъкидланганки, иккала камера ўртасидаги остонага ўрнатилган сув ташлагич водосливи сув ўлчаш мосламаси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Водосливнинг сув ўтказиш қобилияти ҳам ҳисобланган, яъни сув ташлагич водослиvidан  $H = 0,6 \text{ м}$  да  $0,5 \text{ м}^3/\text{сек}$  сув сарфи ўтиши мумкин. Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликларида ўрнатилган томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргичларга участка каналларидан  $0,3-0,5 \text{ м}^3/\text{сек}$  сув келишини инобатга олиб, ўрнатилган водослив ҳам келаётган сув сарфини, ҳам 1-камерадан 2-камерага сувнинг узлуксиз ўтиб туришини, шу билан бир қаторда тизимга сувнинг 1 та тактда тўлиқ юборилишини таъминлайди.

Тиндиргичлардаги лойқа чўкиш жараёнини А.Г.Хачатрян усули бўйича олиб борилди, ҳисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилган. Тиндиргичда лойқаларнинг чўкиш эгри чизиғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_{wo}^T = S_{wo}^o - \Delta S_{wo}^T \quad (2)$$

бу ерда:  $S_{wo}$  -турбулент оқимнинг таъсири йўқ ҳолат учун чўкиш эгри чизиғи ординатаси;

$\Delta S_{wo}$  - турбулентликга тузатма.

Тиндиргич узунлиги ундаги лойқаларнинг тиниш даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$L = \frac{\vartheta_{cp} \cdot H_{cp}}{w_o} \quad (3)$$


бу ерда:  $w_o$  -тиндиргичнинг берилган чўкиш даражасини таъминловчи қамрови.

Тиндиргич самарали узунлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$L_p = L_{эф} = 1000 \cdot \vartheta_{cp} \cdot H_{cp} \cdot П_2 \quad (4)$$

бу ерда:  $П_2$  - коагуляция иккинчи остонаси.

Қуйида А.Г.Хачатрян усули бўйича махсус дастур орқали тиндиргичнинг аниқ ўлчамларини инобатга олиб, тиндиргич узунлиги ва лойқа тиниш даражаси орасидаги боғланиш ҳисоблари натижаси келтирилган. Тиндиргичга ариқдан келадиган сув сарфи:  $Q=0,3-0,7 \text{ м}^3/\text{с}$ ; ариқдаги сувнинг лойқалиги:  $\rho = 3,5-5,0 \text{ г/л}$ ; тиндиргич ўлчамлари:  $b=13 \text{ м}$ ;  $h=4 \text{ м}$ ;  $L=30-300 \text{ м}$ .  $S_{\text{воп2}} = f(L)$  орасидаги боғланиш графиги қуйидаги 9-расмда келтирилган.



**9-расм.  $S_{\text{воп2}} = f(L)$  орасидаги боғланиш графиги**

Ушбу бўлимда тиндиргичда лойқа чўкиш жараёни ҳисобини Когон тумани “Ислон” фермер хўжалигида тажрибадан олинган ўлчов натижалари билан таққослаш ҳам келтирилган. Лабораториядаги намуналар таҳлили шуни кўрсатадики тиндиргич бошидан (1-створ – 0,626 г/л) охиригача (3-створ – 0,264 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 39% га камайиб борган. Назарий келтирилган ҳисоб графиклари бўйича ҳам 33-35 % лойқалик даражаси камайганини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, бошқа фермер хўжаликларидаги тиндиргичлардан олинган лойқалик даражаси намуналари ҳам назарий ҳисобларга мос келмоқда.

Бундан ташқари ушбу бўлимда Амударё ва Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликлари томчилатиб суғориш тизимида тиндиргичлар параметрларини асослаш бўйича тавсиялар хулосалар кўринишида тақдим қилинган.

## ХУЛОСА

“Тиндиргичлар конструкциялари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш (томчилатиб суғориш тизимида)” мавзусида бажарилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар таъкидланади.

1. Амударё ва Зарафшон сув оқимининг лойқалиги сабабли, томчилатиб суғориш тизимидаги тиндиргичларнинг ўлчамлари такомиллашмаганлиги туфайли, уларнинг узунлиги бўйича лойқаларнинг чўкиши тўлиқ таъминланмаган. Шу сабабли, Бухоро вилояти Когон, Бухоро, Ромитан ва Пешку туманлари ҳамда Самарқанд вилояти Оқдарё, Иштихон туманлари фермер хўжаликларидаги томчилатиб суғориш тизимларида тадқиқот ишлари олиб борилди.

2. Тажрибалар таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтказилган тажриба майдонларидаги тиндиргичларда унинг бошидан охиригача лойқа чўкиндиларнинг чўкиш даражаси 20% дан 50% гача ташкил этмоқда. Агарда, участка каналларидан сувнинг тиндиргичларга доимий келиб туришини кўзда тутилса, у ҳолда қурилган тиндиргичлар узунлиги бўйича лойқалар тўлиқ чўкишга улгурмаган, натижада далаларни суғориш жараёнида тизим филтрлари ва қувурлар томизгичларидан ҳам лойқа сувларнинг чиқиши кузатилди, яъни Бухоро вилояти фермер хўжаликларида томизгичлардаги лойқалик 0,0041 г/л дан 0,0141 г/л, Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида томизгичлардаги лойқалик 0,240 г/л дан 1,139 г/л ташкил қилади.

3. Тиндиргичлардаги лойқа чўкиш жараёнининг гидравлик ҳисоби А.Г.Хачатрян усули бўйича бажарилди. Натижада, тиндиргич узунлиги ва ундаги лойқаларнинг тиниш даражаси орасидаги боғланиш графиги ҳар хил сув сарфлари учун ишлаб чиқилди. Тиндиргич узунлигининг ошиши билан лойқаларнинг тиниш даражаси ошиб боради, яъни 41 м узунликдаги тиндиргичда тиниш даражаси 30-40 % бўлса, 800 м узунликда 70-80 % ни ташкил қилади.

4. Лабораториядаги намуналар таҳлили шуни кўрсатадики, Бухоро вилоятидаги фермер хўжаликларида тиндиргич бошидан (1-створ – 0,626 г/л) охиригача (3-створ – 0,264 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 39% гача, Самарқанд вилоятидаги фермер хўжаликларида тиндиргич бошидан (1-створ-1,703 г/л) охиригача (2-створ-1,192 г/л) оқимнинг лойқалик даражаси 30% гача камайиб борган. Назарий гидравлик ҳисоблар ва тажриба натижаларининг мослиги исботланган.

5. Амударё дарёсидан сув билан таъминланган фермер хўжаликларида 20 га ер 6 тактга бўлиб суғориладиган бўлса, ҳар бир тактда 3,33 га ерни суғоришга тўғри келади. 3,33 га ерга ғўзани 1 марта суғориш учун талаб этиладиган сув меъёри ўртача 250-300 м<sup>3</sup>/га бўлса, 900-950 м<sup>3</sup> ташкил этади. Агарда, ҳар бир камера узунлиги 10 х 40 м ўлчамда бўлган (чуқурлиги 2-2,5 м) 2 та камера қабул қилинса, у ҳолда биринчи камерада 35-40% тиниган сув иккинчи камерага ўтиб, унинг узунлиги бўйича 8 соатда яна 35-45% га тинади ва насос агрегатлари орқали тиниқ сувни суғориш тизимига юбориш мумкин. Бундай ҳолларда, 20 га ни 1 марта суғориш тугагунга қадар, ариқдан биринчи камерага сув доимий келиб туриши керак. Кейинги 2, 3 . . . n – суғоришлар ҳам биринчи суғоришдаги тартиб бўйича амалга оширилади.

6. Зарафшон дарёсидан сув билан таъминланадиган фермер хўжаликларида ер ости сувлари сатхининг анча пастлиги, 8-10 м чуқурликда жойлашганлиги

сабабли, ушбу ҳудудларда юқорида таклиф қилинган такомиллаштирилган тиндиргич конструкцияси таклиф қилинади. Ушбу тиндиргич хажми  $1819,2 \text{ м}^3$  сув хажмда сувни йиғиши мумкин ва тиндирилган сув 6-7,3 га суғоришга етади. Агарда 1 тактда суғоришга 8 соат кетадиган бўлса, 20 га ерни 3 тактда сувнинг тиндирилишини инобатга олиб 1-2 суткада суғориш мумкин. Демак ушбу тиндиргичда сувнинг умумий узунлиги бўйича тиниш даражаси ҳам ошади, ҳам суғориш муддати камаяди.

7. Агарда баъзи – бир ҳудудларда ердан фойдаланиш коэффициентини камайтирмайдиган ортикча ер майдонлари мавжуд бўлса ёки вегетация даврида участка каналларига домий равишда сув олиб келишнинг иложи бўлмаса, у ҳолларда тиндиргичлар ўлчамларини 20 га ерга 1 марта суғоришга етадиган сув миқдоридан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда тиндиргичнинг ўлчамлари  $6000 \text{ м}^3$  сув учун қуйидагича бўлиши мумкин:  $b=15 \text{ м}$ ,  $h=2,5 \text{ м}$ ,  $L=160 \text{ м}$ ;  $b=10 \text{ м}$ ,  $h=2,5 \text{ м}$ ,  $L=240 \text{ м}$ . Ҳисоблар шуни кўрсатадики, бундай тиндиргичларда унинг узунлиги бўйича 70-85% лойқалар чўкишга улгуради.

8. Юқорида келтирилган тавсиялардан фермер хўжаликлари ер майдонлари географик жойлашуви, ердан фойдаланиш коэффициентлари, вегетация даврида участка каналларининг сув билан таъминланиш даврларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНЫЙ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**АЗИЗОВ ШОХРУХ НУЪМОНЖОН ЎҒЛИ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИЙ И МЕТОДОВ РАСЧЕТА  
ОТСТОЙНИКОВ (В СИСТЕМЕ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ)**

**05.09.06-«Гидротехническое и мелиоративное строительство»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.1.PhD/Г3519

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

<b>Научные руководитель:</b>	<b>Янгнев Асрор Абдихамидович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шакиров Бахтиёр Махмудович</b> доктор технических наук, профессор <b>Жонқобилов Улугмурод Умбарович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	Тошкент архитектура-курулиш университети

Защита диссертации состоится «13» 10 2023 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (99871) 237-09-71, факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер 288).

Адрес: 100000, г.Ташкент, ул.Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 10 2023 г.

(реестр протокола рассылки №288 от «4» 10 2023 г.)



**Т.З.Султанов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

**Ф.Гаппаров**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

**М.Р.Бакиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в результате глобального изменения климата, увеличения численности населения, развития отраслей промышленности и резкого увеличения потребности в водных ресурсах экономное использование воды в сельском хозяйстве является одной из актуальных проблем сегодняшнего дня. Согласно расчетам отраслевых специалистов, «под влиянием негативных изменений, наблюдаемых на нашей планете, нехватка воды может увеличиться на 20% и ухудшить жизнь 2-5 миллиардов населения, проживающего более чем в 45 странах мира». В этой связи при орошении сельскохозяйственных культур важное значение имеет внедрение водосберегающих технологий, совершенствование методов расчета поливных норм и сроков.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование водосберегающих технологий при возделывании сельскохозяйственных культур. Наряду с этим, в технологии капельного орошения одной из актуальных задач является борьба с мутными отложениями, обеспечение надежной и безопасной работы системы. В этой связи особое внимание уделяется эффективному управлению водными ресурсами в оросительных сетях, совершенствованию конструкций отстойников и гидравлических методов.

В нашей республике реализуются широкомасштабные мероприятия, направленные на экономию водных ресурсов, их рациональное и эффективное использование, в том числе внедрение технологий капельного орошения в сельском хозяйстве и достигаются определенные результаты. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи по «... реализации государственной программы по коренному реформированию системы управления водными ресурсами и экономии воды, внедрению технологии капельного орошения, разработанной с учетом почвенно-климатических и других природных условий республики». При реализации этих задач важное значение имеет эффективное управление водными ресурсами в оросительных сетях, внедрение современных технологий, экономящих водные ресурсы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года за № УП-6024 “Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы”, Постановлениях от 27 декабря 2018 года за № ПП-4087 “О неотложных мерах по созданию благоприятных условий для широкого использования технологии капельного орошения при производстве хлопка-сырца”, а также от 25 октября 2019 года за № ПП-4499 “О мерах по расширению механизмов стимулирования внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве”, а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование

выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии Республики «ИТД-3 Рациональное использование и охрана земельных и водных ресурсов, создание экологически чистых и высокоэффективных технологий управления почвенно мелиоративными процессами на орошаемых землях».

